

COVID - 19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА КАВЕРНОЗ СИНУС ТРОМБОЗИ КЛИНИК КЕЧИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ, ЖИНСГА ВА ЁШГА БОҒЛИҚЛИГИ

Проф Якубова Мархамат Миракрамовна
Икромова Муфаззал Абдурашид қизи
Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация: COVID – 19 пандемияси инсоният ҳаётида жуда оғир из қолдирди. Коронавирус инфекциясидан кейинги асоратлар кўплаб инсонларнинг ҳаёт сифатига оғир таъсир кўрсатди ва ҳанузгача бу касалликнинг яқин ва узоқ асоратларидан беморлар азият чекиб келмоқда. Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда қон – томир касалликлари, жумладан, юрак, мия, буйрак ва бошқа муҳим аъзолар томирлари тромбозлари аянчли асоратларга олиб келмоқда.

Пандемиядан кейин каверноз синуси тромбози коронавирус инфекциясининг оғир асорати сифатида юзага чиқди. 2019 йилга қадар ушбу касаллик билан касалланиш даражаси жуда паст бўлиб, бутун касалликларнинг 5% уни ташкил қилади. Жумладан XIX – XX асрларда 88 та ҳолат қайд этилган. Коронавирус пандемияси каверноз синус тромбозининг кўпайишига сабаб бўлди. Тадқиқотда шу касаллик билан касалланган беморлар бир қанча параметрлар асосида тахлил қилинди.

Калит сўзлар: COVID-19, каверноз синус тромбози, офтальмоплегия, амавроз, синусит.

Ёши	Эркак	Эркаклар % да	Аёл	Аёллар % да	Умумий беморлар сони
21-30 ёш	2	1,8%	0	0%	2
31-40 ёш	8	7,1%	2	1,8%	10
41-50 ёш	19	16,8%	4	3,5%	23
51-60 ёш	22	19,4%	22	19,4%	44
61-70 ёш	12	10,6%	14	12,4%	26
71-80 ёш	4	3,5%	4	3,5%	8
Умумий сони	67 эркак	59,3%	46 аёл	40,7%	113 та бемор

Тадқиқот мақсадида 113 та каверноз синус тромбози билан огриган беморлар ўрганилди. Булардан 67 нафари (59%) эркак ва 46 нафари (41%) аёл беморлар. Ўрганилган беморлар 22 – 77 ёш оралиғида. Каверноз синуси тромбози асосан 40 – 70 ёш оралиғидаги эркак ва аёлларда кўплаб учраши аниқланди. Касалликнинг учраш ўртача ёши $54,6 \pm 1,0074423$ ни ташкил қилди.

Жинси	Қандли диабет 2 тип	Гипертония касаллиги	ОНМК	БТТК	ЮИК	Илк бор аниқланган Қандли диабет	Пиелонефрит
Эркак	33	19	4	1	6	12	3
Аёл	33	19	6	1	10	3	4

Ушбу беморлардан 66 нафарда Қандли диабет (ҚД) II тип, 38 нафарда Гипертония касаллиги (ГК) (асосан 2-3 босқич, хавф 4), 10 нафарда Бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши, 16 нафрада Юрак ишемик касаллиги, Стенокардия, 15 нафарда CoViD – 19 дан кейин илк бор аниқланган қандли диабет ва 7 нафарда Пиелонефрит ёндош касаллик сифатида учрайди. Беморларда Каверноз синус тромбози асосан ҚД, ГК фонида ривожланган. Барча беморлар анамнезида CoViD – 19 билан оғриб, даволангани аниқланди.

Ковид – 19 бошланиш белгилари	Эркак беморлар сонига нисбатан % да	сони	Аёл беморлар сонига нисбатан % да	сони	Умумий % да
Тана хароратининг кўтарилиши	64,8%	43	74%	34	68,1
Хансираш	12%	8	6,5%	3	9,7
Нафас етишмовчилик хисси	13,4%	9	13%	6	13,3
Кўкрэк қафасида оғриқ	13,4%	9	10,8%	5	12,4
Бурун битиши	18%	12	15,2%	7	16,8
Хид ва таъм сезгиси бузилиши	100 %	67	100%	46	100
Йўтал	40,3%	27	24%	11	33,6

Ўрганган беморларни барчасида (100%) касаллик бошланганида турли даражада хид ва таъм сезгисининг бузилиши кузатилган. Қўшимча равишда CoViD – 19 бошланишида беморларда тана хароратининг кўтарилиши 77 тасида (68%), йўтал 38 тасида (34%), бурун битиши 19 тасида (17%), нафас етишмовчилик хисси 15 тасида (13%), кўкрак қафасида оғриқ 14 тасида (12%), хансираш 11 тасида (8%) касаллик бошланғич белгиси булган.

КСТ бошланғич белгилари муддати	Ўртача неча кунда
Эркаклар	21,5 кунда
Аёллар	21,6 кунда
Умумий	21,176991 кунда

Беморларда CoViD – 19 аниқлангандан кейин ўртача $21,2 \pm 1,73$ кунда биринчи белгилар ривожланган.

КСТ бошланиш белгилари	Эркаклар	Аёллар	Умумий	% ларда
Бош оғриғи	20	11	31	27,4%
Юз соҳасида оғриқ	23	16	39	34,5%
Бир томонлама амавроз	10	11	21	18,6%
Кўрув ўткирлиги пасайиши	8	4	12	10,6%
Офтальмоплегия	7	6	13	11,5%
Кўзда оғриқ	6	10	16	14,2%
Юз ва кўз соҳасида шиш	17	20	37	32,7%
Юқори қовоқ птози	6	2	8	7%
7 нерв периферик фалажлиги	4		4	3,5%
Ғилайлик	1		1	0,9%
Юз соҳасида гипестезия ва парестезиялар	6	3	9	8%
Бош айланиши	1	1	2	1,7%
Эшитишдаги ўзгаришлар	1	2	3	2,6%

Каверноз синус тромбози барча беморларда турлича белгилар билан бошланган. 39 нафар (34,5%) беморда юз соҳасида оғриқлар билан, 37 нафар (33%) беморда юз ва кўз соҳасида шиш, 31 нафар (27%) беморларда бош оғриғи билан, 21 нафар (19%) беморларда бир томонлама амавроз билан, 16 нафар (14%) беморларда кўз соҳасида оғриқ билан, 13 нафар (11,5%) беморларда офтальмоплегия билан, 12 нафар (11%) беморларда кўрув ўткирлигининг пасайиши билан бошланган. Баъзи беморларда текширувларда юз соҳасида гипестезия ва парестезиялар (8%) аниқланган. Шу жумладан, бир қанча беморларда 7 жуфт краниал нерв периферик фалажлиги (3,5%), 8 жуфт краниал нерв фалажлиги (4%) беморларда касалликнинг бошланғич белгиси сифатида учраган.

Демак ғорсимон синус орқали ўтган нервлар 3,4,6 нервлар ва 5 жуфт нервнинг 1-2- тармоқлари иннервация қиладиган соҳаларда клиник- неврологик симптомлар касалликнинг эрта босқичларида намоён бўлади. Яъни кўпгина беморларда касалликнинг эрта босқичларида бош ва юз соҳасида (кўп холларда бир тарафлама) кучли оғриқлар пайдо бўлган, кейинчалик кўз олмаси ҳаракатларининг чекланиши – офтальмоплегия ривожланган. Бундан ташқари каверноз синуси тромбози натижасида беморларда кўрув нерви димланиши хисобига амавроз ривожланган.

Антикоагулянт терапия олганлиги	Эркалар	Эркак беморлар сонига нисбатан % да	Аёллар	Аёл беморлар сонига нисбатан % да	Умумий беморлар
Гепарин	31	46,3	21	45,6	52
Клексан	8	12	6	13	14
Эноксапарин	5	7,5	4	8,7	9
Фленокс	3	4,5	3	6,5	6
Ксарелто	1	1,5	0	0	1

Каверноз синуси тромбози билан оғриган беморларнинг кўп қисми (52 нафар) фракцияланмаган гепарин (гепарин натрий) билан антикоагулян терапия олган. Беморларнинг қолган бир қисми (30 нафар) паст молекуляр гепарин (клексан, эноксапарин, фленокс) билан даволанган.

Хулоса. Каверноз синус тромбозининг дастлабки белгилари юқори иситма, кучли бош оғриғи ёки юз оғриғи бўлиб, улар одатда бир томонлама посторбитал ва фронтал соҳаларда юзага келади. Каверноз синус тромбозининг кейинги белгилари сифатида офтальмоплегия, экзофтальм ва кўз қовоқларининг шиши ривожланади. Кўздаги бу ўзгаришлар кўпинча беморларда икки томонлама қайд этилди. Шунингдек беморларда юз териси сезгирлиги пасайиши ёки бутунлай йўқолиши, кўрув нерви дискининг шиши ва амавроз ривожланиши мумкин. Каверноз синус тромбози кучайишининг клиник белгилари онгинг турли даражада бузилиши, дезориентациялар, конвулсиялар ва фокал неврологик симптомлар ҳисобланади. Демак, Каверноз синус тромбози жуда кам учрайдиган касаллик бўлиб, COVID-19 пандемиясидан кейин жуда кўплаб учрамоқда. COVID-19 ўтказган беморларда, каверноз синус тромбозидан ўлим даражаси юқори ва касаллик тузалганидан кейин ҳам ногиронлик даражаси жуда юқори ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Рахматуллаева Гулнора Кутбиддиновна, Якубова Мархамат Миракрамовна, Хамдамова Барно Буриевна, Урманова Феруза Махкамовна, Саид-Ахмедова Саодат Каримджановна COVID-19 АССОЦИИРОВАННЫЙ ТРОМБОЗ КАВЕРНОЗНОГО СИНУСА (КЛИНИЧЕСКИЙ СЛУЧАЙ) | | ЖУРНАЛ НЕВРОЛОГИИ И НЕЙРОХИРУРГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ 2142021 БУХАРАУДК: 616-073.759:616.831-005:616.98:578.834-0708

2. Орипов О.И., Билалов Е.Н. Тромбоз кавернозного синуса, связанный с COVID-19: клинический случай. Ж.офтальмол.(Украина).2021;2:69-71. <http://doi.org/10.31288/oftalmolzh202126971>

3. Tang N, Li D, Wang X, Sun Z. Аномальные параметры коагуляции связаны с плохим прогнозом у пациентов с новой коронавирусной пневмонией. Джей Тромб Хемост. 2020;18(4):844–847. - ЧВК - PubMed

4. Presumed Asymptomatic Carrier Transmission of COVID-19. Bai Y, Yao L, Wei T, Tian F, Jin D-Y, Chen L, et al. JAMA 2020 Apr 14;323(14):1406-1407. doi: 10.1001/jama.2020.2565
5. Wang C, Horby PW, Hayden FG, Gao GF. A novel coronavirus outbreak of global health concern Lancet 2020 Feb 15;395(10223):470-473. doi: 10.1016/S0140-6736(20)30185-9. Epub 2020 Jan 24.